O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 6 июнь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 44 (7343)

Da'vat

Инсон учун билим орттиришнинг ўзи кифоя эмас, олинган билимни тараққиёт йўлида сарфлашни ҳам билмоқ лозим.

Иоганн ГЁТЕ

Ibrat

Таниқли кинорежиссёр Дамир Салимов ўзи истиқомат қилаётган Қибрай шаҳарчасидаги У.Юсупов номли маҳалла болалари учун ўзининг кутубхонасини барча жиҳозлари билан бирга туҳфа этди.

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

1 июн куни Беларус пойтахти Минскда МДҲ Давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди.

Ҳамдўстликнинг сўнгги йиғилишлари аъзо мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорликни амалда ривожлантиришга интилиши кучайиб бораётганини намоён этмоқда. Зеро, бугунги шароитда дўстлик фақат изҳори дил билан чекланиб қолмай, уни том маънодаги шериклик билан тасдиқлаш ва мустаҳкамлаш лозимлиги кўриниб турибди. МДҲнинг бу галги саммитида ҳам долзарб масалалар кўрилди.

Аввало, бу йил Ҳамдўстлик тузилганига ўн йил тўлишига тўхталсак. Яхши маълум: 1991 йил декабрда МДҲ тузилиши билан СССР деб аталмиш улкан империя расман йўқлик сари юз тутди. Ўтган ўн йил давомида мустақил давлатлар ўзининг сиёсий, иқтисодий манфаатларини кўзлаб, турлича тараққиёт йўлларини танлади. Йўналишлар, қарашларнинг турфа хиллиги МДҲ саммитларида, умуман, Ҳамдўстлик доирасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларда сезилиб турди. Баъзида сиёсий шарҳловчилар, халқаро кузатувчилар бу тузилманинг тақдири ғоят мавҳумлиги, аъзо давлатларнинг бир-бирига ишончи мустаҳкам эмаслигини ҳам гапириб келди. Бунинг сабаби МДҲга сиёсий тус беришга, ундан иқтисодий интеграция эмас, сиёсий манфаатлар йўлида фойдаланишга интилишлар мавжудлиги эди. Бу амалга ошмагач, иқтисодий муносабат ҳақида бош қотириш ўрнига, "иккилик", "тўртлик", "бешликлар" тузилди. Бундай ўзига хос тузилмалардаги ишлар донгдор баёнотлардангина иборат бўлиб қолаётганини яхши биламиз. Ҳар ҳолда, ривожланиш даражаси, иқтисодий ва сиёсий салоҳияти кескин фарқланган давлатларнинг бундай иттифоқлардан фойда чиқиши ўта мушкул эди. Масалан, хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида Тожикистон билан Беларус мисол келтирилади. Улар орасидаги масофа минглаб километрни ташкил қилади, ўзаро савдо-сотиқ деярли йўқ. Ваҳоланки, бу икки мамлакат "Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти"га аъзо давлатлардир.

Минск учрашувида Ҳамдўстлик ривожланиб бораётгани таъкидланар экан, бунга тасдиқ тариқасида оммавий ахборот воситалари ва кузатувчиларда МДҲ ҳақида илиқ фикрлар кўпайгани келтирилди. Таъкидландики, барча аъзо давлатларда бугун МДҲ керак, деган яқдил фикр бор. Бинобарин, муносабатлар шу нуқтаи назар асосида ривожлантирилмоқда. Дейлик, Эркин савдо зонаси яратиш бўйича икки томонлама мулоқотлар кучайди, Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳозирги шароит тақозо этадиган ишларни бажаришга киришди. Мисол сифатида Минскда компьютер ахборотлари соҳасидаги жиноятчиликка қарши ҳамкорликда курашиш ҳақида ҳужжат қабул қилинганини айтиш мумкин. Бунинг нечоғли долзарблиги ва аҳамиятини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

Минскда давлатлар раҳбарлари мулоқот жуда очиқ, самимий ва самарали кечганини эътироф этди. Албатта, ҳар қандай давлат бирор тузилмага қўшилса, биринчи навбатда, ўз миллий манфаатларини кўзлаб бу ишга қўл урган бўлади. МДҲдан ҳам ҳар бир аъзо мамлакат ўзига имкон қадар кўп фойда олишга интилади. Бу - табиий. Ҳозир юзага келган вазият илгаригисидан шуниси билан фарқланадики, миллий манфаат йўлидаги интилишлар негизида ўзаро фойда кўриш тамойили ётибди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти аввалларги кўп айтган бир ибратли гап ёдга тушади.

(Давоми 2-бетда)





ЭПЛАЙ ОЛАРМИКАНЛАР?

Imtihon

Сирғали туманига қарашли Ҳамид Олимжон номидаги мактабда бўлганимизда, у ерда 11-синф ўқувчиларидан математика фани бўйича ёзма имтиҳон олинаётган экан.

—Имтиҳон учун 4 астрономик соат берилган, —деди имтиҳон комиссияси раиси Ҳамида Исмоилова. —Белгиланган вақт ичида ўқувчилар "Алгебра" (1 та назарий, 2 та амалий) ҳамда "Геометрия" (1 та назарий, 1 та амалий) фанидан берилган топшириқларни бажаришлари зарур...

Жараённи кузатамиз. Ўғил-қизлар йил давомида олган билимларини синовдан ўтказиш мақсадида билганларини қоғозга туширишаяпти. 17 йил иш стажига эга бўлган математика фани ўқитувчиси Маҳфуза Нуриддинова эса гўё ўзи имтиҳон топшираётгандай ҳаяжонда эди.

—Ҳаяжонланмай бўладими, ахир,—деди у. —Ўқувчиларим билими орқали меҳнатим мевасини татиб кўриш ва бошқаларга кўрсатиш имконияти туғилади. Назаримда, улар ҳозир биринчи бор синовдан ўтаётгандай туюлаяпти, менга.

Дарҳақиқат, устозлар шогирдларига ҳамиша шундай кўз билан қараб келишган, уларнинг наздида битирувчи синф ўқувчилари ҳам ҳали бола. Шу боисдан устозлар шогирдларига айрича салоҳият ва ўзгача хайрихоҳлик билан назар ташлайдилар: эплай оларминканлар?

Иброҳим Нажимов, Малоҳат Маҳамедовалар белгиланган вақтдан олдин топшириқларни бажариб бўлишганини айтишганида Маҳфуза Нуриддинова нигоҳлари ажиб жонланди, юзларида ўзгача ҳайрат ва ҳавас жилваланди. Бу устознинг шогирдлари зукколиклари, фикри теранликларидан, камолидан зоҳир бўлган қувониш, севиниш ҳисси эди, назаримизда. Хуллас, шу кунларда барча илм масканларида битирув имтиҳонлари ана шундай ҳис ҳаяжонларга тўлиқ ҳолда ўтаяпти.

М.ҚУРБОНБОЕВ

Тошкент шаҳридаги 23-мактабда ҳам битирув имтиҳонлари қизғин давом этмоқда. 11-синф ўқувчилари ҳар бир имтиҳонга жиддий тайёргарлик кўрган ҳолда келишяпти. Кувончлиси, битирувчилар мактабда олинган билим бутун ҳаёти давомида асқотишини ҳис қилаётирлар.

Суратларда:

1. Д.Айсина ва Л.Биарслоновалар 11-синф ўқувчиларининг рус тили фанидан олган билимлари нақадар мукаммаллигини комьютерлар орқали синаб кўришаяпти.

2. Бир гуруҳ битирувчи синф ўқувчилари имтиҳонни яхши баҳоларга топширишди.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Respublika o'qituvchilari anjumani oldidan

ТАРИХ — КЕЛАЖАК БАШОРАТЧИСИ

Бугун биз ислоҳотлар даврида яшаяпмиз. Ислоҳотлар эса инсон қадр-қиммати, унинг маънавий ва моддий жиҳатдан юксалишига қаратилган. Очиғини айтиш керакки, юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгунга қадар бўлган давр ичида халқимиз руҳияти, ғурури беаёв топталди. Унинг тарихи, ота-боболари қолдирган улкан мерос йўқ қилинди, қораланди. Бу халқнинг маънавий қашшоқлик ботқоғига ботириш мақсадида узоқни кўзлаб қилинган ишлар эди, албатта. Зеро, бу фикримизни босқинчи Чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги генерал-губернатори М.Скобелевнинг "Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди" деган қабиҳ ниятлари тасдиқлайди.

Албатта, минг шукрлар бўлсинки, бугун юртимиз мустақил, халқимиз озод, ота-боболаримиз улуғланган, фарзандларимиз ҳурматланадиган даврларга етиб келдик. Бу мустақиллик шарофати. Шундай экан, ҳар биримиз мустақилликни ардоқлашимиз, унинг қадрига етишимиз даркор. Бу тушунчани фарзандларимиз онгу шуурига ёшликданоқ сингдирсак кутилган мақсадга эришилади. Демак, менинг фикримча, мактабларда тарих фанига янада кўпроқ эътибор бериш лозим. Зеро, тарих — келажакдан башорат бергувчи мунажжимдир. Аммо бу ҳам ўзига яраша қийинчиликлар келтириб чиқаради. Чунки "йўқотилган", "яширилган" "ўзгартирилган" тарихни тиклаш, бор ҳақиқатни ёш авлодга етказиш олимларимиз, қолаверса, биз ўқитувчилардан ҳали кўп изланишни талаб қилади.

Ушбу ўтказилиши кутилаётган анжуман шуниси билан ҳам эътиборлики, унда мана шу масалалар борасида ҳам фикр алмашиш имконияти туғилади.

Парда РЎЗИЕВ,
Нишон тумани Беруний номли ихтисослашган мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, анжуман вакили

«Зардуштийлар»ни оташпараст деманг!
3-бет

Таълим тизимидаги ислоҳотлар жараёнидан ортда қолмай десангиз

Ma'rifat

газетасига 2001 йилнинг иккинчи ярим йили учун обуна бўлинг!

Нашр индекси:
Якка обуначилар учун — 149
Ташкилотлар учун — 150

Боғчага кириш ҳақи — салом!
4-бет

Men mustaqillikni qanday tushunaman?

Бувимдан уч-тўрт йил бурун бўлиб ўтган бир воқеани эшитиб, анча вақт ўйланиб юрдим ва охири бу ҳақда она тили адабиёт фани ўқитувчим Гулжамила Аъзамхўжаевага сўзлаб берганимда у кишининг маслаҳат ва йўл-йўриқлари билан уни қоғозга тушириб, сизга юборишга жазм қилдим. Қалбимда тўлқин, юрагимда ҳис-туйғуни уйғотувчи ушбу ҳикояни ўшанда бувим шундай бошлаган эдилар:

—Аколар, мен асли Тожикистонликман. Бундан уч ойлар бурун маниям бус-бутун рўзғорим бор эди. Хўжайинимнинг топганига қаноат қилиб тўрт болам билан эл қатори кунимизни кўриб юрувдик. Атрофдаги бошланган уруш рўзғоримни тутдай тўкди.

Хўжайиним бир куни сўраб келган 3 киши билан кетганича қайтиб келмади.

Бироз фурсат ўтиб, танишларимиз катта ўғлимнинг жасадини кўтариб келишди. Йиғлай-йиғлай ўғлимни ерга эканини эшитиб, ҳеч қурса шугина бачаларимнинг жонини сақлаб қолай деб, буёққа келиш учун поездга чиқдик. Кейинги бекатда ола-тўполон бўлиб, бачаларим қаёққа кетганини кўзим илғамай қолибди. Қоронғида одамларни оралаб ўтиб бўлмаслиги сабабли бачаларимни топа олмадим.

Поезддан-поездга ўтавериб жуда азоб чекдим. Охири Урганч вокзалига келганимизда бир «проводник» пул талаб қилиб қолди. Айтганини бермаганим сабабли уришиб поездан туширib қолдирди. Тақдиримда неки бўлса кўрарман деб болаларимнинг тақдирини ўйлаб йиғлай-йиғлай шу ергача келганим...

Синглиси йўққа, сингил бўлай, опаси йўққа, опа бўлай не хизматларингиз бўлса қилай. Фақат манга бирон макон топишга ёрдам беринглар, аколар, илтимос...— деб хўрлиги келиб хўнг-хўнг йиғлай бошлабди.

(Давоми 2-бетда)

Anjuman

Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида аҳамиятли семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда ташкил этиладиган болалар ташкилотининг афзаллик томонлари хусусида сўз юритилди. Республика миқёсида ўтказилган мазкур анжуман "Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш ташкилотининг мактаб ҳаётидаги ўрни" деб номланди. Унда вилоятлардан ташриф буюрган маънавият соҳаси мутахассислари, мактабдан ташқари муассасалар ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилиш тумандаги 19-мактабда ўтказилди. Боиси—мазкур ўқув даргоҳида ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш соҳасида бирмунча тажрибалар тўпланган. Мактабдаги ўқувчилар уюшмасига зиё маскани муаллимаси Маърифат Ғаниева раҳбарлик қилади.

1994 йили Республика Халқ таълими вазирлиги "Халқ таълими муассасаларида ёшлар билан шуғулланувчи назоратчилар гуруҳини тузиш тўғрисида" буйруқ чиқарган эди. Бешариқ тумани ҳокимлиги ана шу буйруққа асосан, вояга етмаганлар билан ишлашни кучайтириш ва ички ишлар бўлими ходимларига жамоатчилик ёрдамини бериш мақсадида туман мактаблари ва мактабдан ташқари муассасаларда вояга етмаганлар билан шуғулланувчи жамоатчи назоратчилар гуруҳини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундан сўнг 19-мактабда ҳам назоратчилар гуруҳи ташкил топди. Гуруҳ раҳбарларига ички ишлар бўлимининг гувоҳномаси берилди. Мактабда уюшманинг устави ва низоми ишлаб чиқилди ва унинг мухтасар вазифалари белгиланди. Ўқувчилар ўзини-ўзи назорат қилиш иши яхши натижалар берди. Буни ўқув даргоҳида ҳозиргача бирорта ҳуқуқбузарликка йўл қўйилмаганидан билса бўлади.

Йиғилиш иштирокчилари дастлаб мактаб тажрибалари билан танишдилар, ҳуқуқшуносликка оид машғулотларни кузатдилар. Анжуман, асосан, кузатиш, фикр алмашиш ва савол-жавоб тарзида олиб борилди.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган назоратчи гуруҳлар ва клублар энди болаларнинг носиёсий ва нотижорат ташкилотига айланти-рилади. Унга 9 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчилар қабул қилинади. Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари ранг-барангдир. Улардан, энг асосийси, ўқувчиларни она-Ватанга, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, болалар ўртасида ташкилотчилик, ташаббускорлик ва мустақил фаолиятни кучайтириш кабилардан иборат.

Комил инсонни вояга етказишда оила, мактаб ва ма-ҳалла ҳамкорлигига таяниш муҳимдир. Оила—жамият асоси, маҳалла—миллий қадриятлар бешиги, мактаб эса нафақат замонавий, дунёвий таълимнинг, балки миллий маънавият, уйғун тарбиянинг ҳам ўчоғидир. Мустақил болалар ташкилоти энди мактабда, мактабдан ташқари муассасада, умуман, жамият ҳаётида кенг фаолият юритади ҳамда унинг тутадиган ўрни салмоқли бўлиши, шубҳасиздир.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

ЖАЖЖИ ҚАЛБИМ ТИНЧЛИК ТИЛАЙДИ!

Маҳалла чойхонасидаги сўрида ўтириб, чойхўрлик қилаётган отахонлар олдига юпунгина кийинган аёл келиб, уларга бир пас қараб турди-да, астагина салом берди. Сўридаги отахонлар аёлнинг саломига алик олиб, —"Келинг синглим" дея уни сўрига таклиф қилишди. Аёл сўри чеккасига қимтинибгина ўтирди ва отахонларнинг унга савол назари билан қараб турганлигини сезиб, секингина тожикча талаффузда гап бошлади:

—Аколар, мен асли Тожикистонликман. Бундан уч ойтопширган куним, тўсатдан иккинчи ўғлим ҳам йўқолиб қолди. Шундан кейин йўқчиликдан ўйда тишга босгудай нима бўлса, иккита бачам билан еб-ичиб бўлдик.

Озиқ-овқат баҳоси осмонда, чўнтагимда бир мирим йўқ. Роса қийналдик. Кичкинаси етти яшар, ундан каттаси 10 яшар, болаларим бу орада роса озиб кетишди. Мана шу икки бачамнинг кўзларига қараб, дом-дараксиз кетган ўғлим ҳам, хўжайиним ҳам кўзимга кўринмади. Ён қўшнимиздан Ўзбекистонда кун кўриш енгилроқ

(Давоми 2-бетда)

САНЪАТСЕВАРЛАР ХОРАЗМДА ЙИҒИЛАДИЛАР

Республика Халқ таълими вазирлиги Ёзувчилар уюшмаси ва Басги Ёзувчилар уюшмасининг ҳамкорликда ўтказилган "Ўзбекистон — Ватаним маним" ва қўшиқ байрами рамзи бўйича ўтказилган Кўрик-танлов бўлиб ўтди. Ўзбекистон — Ватанимизнинг бугунги жамоаси, унинг содиқ фарзандлари, қаҳрамонлари васфидаги қўшиқлар болалар ва ўсмирлар қалбидаги юрт муҳаббати, Ватан севгисини янада чўғлантиради, бунёдкор халққа эҳтиром туйғусини тарбиялайди.

**Республика Халқ таълими вазирлиги ва Басги ёзувчилар уюшмасининг ҳамкорлиги ва ёзувчилар уюшмасининг ҳамкорлиги ва ёзувчилар уюшмасининг ҳамкорлиги ва

Отанинг келгуси режалари ҳақида гап очганимизда, у ўқувчиларни рағбатлантириш учун стипендия жорий этиш, спорт майдончасини қуриш, янги мактаб атрофини ободонлаштириш, гулзор, дарахтзорга айлантириш каби ишлар ҳақида бош қотираётганини айтди.

Албатта, бу ҳаракат болалар манфаатлари йўлида ўзгаришларни амалга оширувчи катта кучдир. Ва ўйлаймизки, бу йил болалар ҳаётида унутилмас аҳамият касб этувчи йил бўлиб қолади.

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ислом Каримов иқтисодий интеграцияни, икки томонлама алоқаларни ривожлантирмай туриб, МДҲ доирасида кўп томонлама муносабатларни қарор топтириб бўлмаслигини неча бор таъкидлаган. Ҳозир МДҲда айни шундай жараён бошланганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айни шундай кайфият ташқи сиёсатда ҳам ўзаро мувофиқлик юзага келишига сабаб бўляпти.

МДҲ доирасида жиноятчиликка қарши кураш масаласига эътибор кучаймоқда. Минскда қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасидан ташқари, маданий ёдгорликлар, осори-атиқа, рангли металлар, акциз солиғи солинадиган маҳсулотларнинг ғайриқонуний ташилиши, шунингдек, қонунга хилоф миграция, давлатларни боғлайдиган катта йўллардаги жиноятчилик, автомобиллар билан боғлиқ жиноий бизнесга қарши кўшма операциялар ўтказиш борасида келишиб олинди.

Иқтисодий соҳада, Эркин савдо зонаси барпо этиш ҳақидаги ҳужжат 1994 йилда имзоланган бўлса-да, ҳали ҳам кучга кирмаганини таъкидламоқ жоиз. МДҲнинг ҳар саммитидан кейин ана шу камчилик танқид қилинарди. Ҳозир бу борада баъзи силжишлар бўлиши мумкин, лекин шундай фойдали ҳужжат, етти йилдирки, ҳамон ишламаётгани ғоят ачинарли.

Яна бир масала хавфсизлик мавзуига оиддир. Ислом Каримов ЕХҲТнинг 1999 йил ноябрда Истанбулда бўлган саммитида БМТ раҳнамолигидаги Аксилтеррор маркази тузиш ташаббусини илгари сурган эди. Орадан кўп ўтмай, МДҲ саммити бўлди ва унда Ҳамдўстлик доирасида шундай муассаса тузиш ҳақида гапирилиб қолди. Кейин уни таъсис этиш ҳақидаги келишув тўғрисида протокол имзоланиб, жараён фаоллаша бошлади. Бироқ, ҳозир айрим давлатлар ўзини Аксилтеррор маркази билан МДҲ Коллектив хавфсизлик кенгаши ўртасидаги фарқни англамагандек тутмоқда. Очиқ айтганда, Коллектив хавфсизлик шартномаси билан Аксилтеррор марказига соя солиш ёки бу марказни эътиборсиз қолдиришга, уни қоғозда бору амалда ишламайдиган муассасага айлантиришга уриниш бордек.

Албатта, тўғри ва самарали фойдаланиш йўлга қўйилса, Коллектив хавфсизлик шартномасининг ҳам аҳамиятини рад этиб бўлмайди. Лекин, долзарблик нуқтаи назаридан қараганда, Аксилтеррор марказининг мақсад ва вазифалари янада муҳимдир. Коллектив хавфсизлик кенгашининг шу йил май ойида Ереванда бўлган йиғилишида уч йўналишда (Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё) тезкор йиғилувчи кучлар ташкил этишга келишилди. Лекин МДҲнинг Минск саммитида Аксилтеррор маркази ишини фаоллаштириш борасидаги масала муҳокама қилинмагани ачинарли ҳолдир.

Хавфсизлик масаласи — ҳар саммитда диққат-марказда турадиган асосий мавзу. Давлатлар раҳбарлари Минскда буни тасдиқлади. Лекин ҳозир асосий хавф-хатар террор, диний экстремизм ва миллий айирмачиликдан келар экан, биринчи галда, бор имкониятни ана шу таҳдиднинг олдини олишга қаратиш тўғри бўларди. Президент Ислом Каримов Минскка кетаётиб берган интервьюсида, биз учун саммитда кўрилиши керак бўлган асосий масала хавфсизлик билан боғлиқ эканини бежиз таъкидламади. МДҲга ҳам, Европа ва дунёнинг бошқа минтақаларига ҳам хавф солаётган террорнинг йўлига Марказий Осиёда туриб тўсиқ қўйиш энг маъқул йўлдир.

Шундай қилиб, Ҳамдўстликнинг яна бир саммити ортда қолди. У тузилманинг, аъзо давлатлар ўртасида баъзи масалаларда фикрлар ва қарашлар ҳар хиллигига қарамай, ривожланиш йўлидан бораётганлигини яна бир бор намоён этди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.

ЭРГАШ ОТАНИНГ МАКТАБИ

ёхуд янги мактаб қурган "Бахт" фермер хўжалигининг ташаббуси хусусида

Ўтган йили мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида Тошкент вилояти Паркент туманига қарашли "Намданак" қишлоғининг "Янги маҳалла"сида 120 ўринли бошланғич мактаб ва тиббиёт хонаси қурилиб ишга туширилди. Унга шу тумандаги "Бахт" деҳқон фермер хўжалиги маблағ ажратди. Шу аснода хаёлингизга "Иқтисодий қийин шароитда ташаббус қандай юзага келди" қабилидаги савол келиши, табиий.

Ташаббус хўжалик раҳбари Мавлонхўжа Ҳожиевнинг падари бузруквори Эргаш отадан чиқди.

— Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг эл орасида машҳур "Савоб ишни ҳар ким ва ҳар куни қилиш керак" ҳикматли сўзи хаёлимдан тез-тез ўтаверди, — деди Эргаш ота. — Фарзандларим билан бамаслаҳат "Намданак" қишлоғидан анча юқорида жойлашган "Янги маҳалла" учун тиббиёт хонаси ҳамда 22-ўрта мактабнинг филиали сифатида бошланғич мактаб қуриш зарур, деган яқдил фикрга келдик. Негаки, "Янги маҳалла"даги ўғил-қизлар узоққа, яъни "Намданак"даги 22-мактабга қатнашарди. Бу хусусда "Намданак" фуқаролар йиғини раиси Зоир Пирматовга сўз очдим. У хурсанд бўлиб, сўзи сўнггида деди: "Каттаю кичикни ҳашарга жалб қиламиз".

Шундай қилиб, 2000 йилнинг 23 майида пойдевор учун ер танланиб, ишлар бошлаб юборилди.

— Менинг ҳисобим бўйича бошланғич мактаб 111 кунда битди, — деди Эргаш ота. — Унга 7 миллион пул сарфланди. "Намданак"-даги 22-мактаб жамоаси, "Янги маҳалла" фуқаролари ҳашарга чиқишди.

Туман халқ таълими бўлими услубхонаси мудири Абдуваҳоб Мақсудов ҳамроҳлигида янги мактабга борганимизда бошланғич синф ўқитувчилари Гулсара Абдукаримова, Малика Усмонова, Хосият Дадахўжаева, ота-оналардан Бусора Эгамбердиева, Абдусамат Баҳодиров ва бошқалар бизга пешвоз чиқишди. Улар Эргаш отанинг ажойиб фазилатлари, ибратли жиҳатлари ҳақида гапиришиб, ота шаънига миннатдорчилик туйғуларини изҳор этишар экан, хаёлимизда бир ҳақиқат гавдаланди: "Сахий, эл дуосини олган одамнинг иши ривож топаверади".

Халқ таълими соҳасида 46 йил фаолият кўрсатган, кекса маорифчи Мирали Усмонов фикрлари эса хаёлимиздаги иборани яна бир карра тасдиқлагандай бўлди: "Деҳқон одам сахий бўлади. Саховатли, қўли очиқ одамларнинг эса доим иши ўнгидан келади. Бу — ҳаётий ҳақиқат. Аслида бола — фаришта саналади. Уларга қилган бир яхшилигинг, ўзингга минг бўлиб қайтади. Янглишмасам, Эргаш Ҳожиевнинг "Янги маҳалла" ўғил-қизларига қилаётган яхшиликларидан бўлса керак, хўжалигидаги ишлари янаям юришиб кетди. Ҳозир фермер тажрибасини бошқа ҳудудлардан ўрганиб кетишаяпти".

Дарҳақиқат, айни кунда "Бахт" хусусий деҳқон фермер хўжалигида 550 бош қорамол бор. У ердан олинаётган даромад чакки бўлмаяпти. Даромадга яраша буромад деганларидек, хўжалик "Намданак" қишлоғи ҳамда "Қизилтош" қўрғонидаги болалар боғчасини ҳамда кончиларни сут билан таъминлаяпти. Шунингдек, хўжалик эрта-индин болажонларни қабул қилишга шай турган "Булоқча" болалар оромгоҳига гўшт ва сут етказиб беришни мўлжаллашмоқда.

Дарвоқе, "Бахт" хўжалиги томонидан 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Паркент тумани марказидаги "Қўшчинор" истироҳат боғида 100 килограмм ош дамланиб, ўқувчиларга тарқатилди.

Отанинг келгуси режалари ҳақида гап очганимизда, у ўқувчиларни рағбатлантириш учун стипендия жорий этиш, спорт майдончасини қуриш, янги мактаб атрофини ободонлаштириш, гулзор, дарахтзорга айлантириш каби ишлар ҳақида бош қотираётганини айтди. Эргаш отанинг суҳбатидан баҳраманд бўлиб қайтаётганимизда "Янги маҳалла"лик Абдужаббор Абдуқодиров билан учрашиб қолдик. У киши 22-мактабда инглиз тили фанидан сабоқ берар эканлар.

— Ота ҳақида мен ҳам икки оғиз сўз айтмоқчи эдим, — деди А.Абдуқодиров ҳаяжонланиб. — Гапнинг лўндасини гапирсам, бу инсон фарзандлари билан юртнинг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам камарбаста бўладилар. Ҳеч кимдан ёрдамини, маслаҳатини аямайди.

Биз ташрифимиз аввалида яратилажак мақолага ўзимизча "Бахт" курган мўъжаз мактаб" номли сарлавҳа танлаб қўйгандик. Аммо у ердагилар 22-мактаб филиалини ўз номи билан атамай, Эргаш Ҳожиев номи билан боғлашиб, Эргаш отанинг мактаби дейишаётгани гувоҳи бўлдик ва ота мактаби остонасида шундай ният қилдик: "Юртимизда Эргаш отанинг издошлари кўпаяверсин!"

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Суратда: Эргаш ота Ҳожиев амалга ошираётган ишларидан мамнун.
Бурхон РИЗО олган суратлар.

Oramizdagi odamlar

(Давоми. Боши 1-бетда)

Воқеани жон қулоқлари билан тинглаган маҳалла кишилари бир қарорга келишгунча шу куни аёлни чойхонада туришини маъқул кўришди. Кишилар аёлни маҳаллада 3 та қизи турмушга чиқиб, уйли-жойли бўлиб кетишган, хотини анча йиллар илгари раҳматли бўлиб кетган, каттароқ ёшдаги кишига никоҳлаб беришди. Ҳозир уларнинг 3 яшар ўғилчаси бор.

Қишлоққа борганимда бувимдан бу воқеани эшитар эканман, чуқур хаёлга толдим. Бир кам дунё экан. Кўнгли яра она бизнинг тинч, осойишта юртимизда ҳарқалай, ўз ризқини териб юрибди, аммо унинг болалари

ЖАЖЖИ ҚАЛБИМ ТИНЧЛИК ТИЛАЙДИ!

қаерда? Ички урушлар сабаб тирик етимга айланган 3 та фарзанднинг кейинги тақдири қандай кечди? Бу ёғи менга ҳам, ҳатто онаизорнинг ўзига ҳам қоронғу.

Беихтиёр шу болалар тақдири билан ўз тақдиримни қиёслайман. Биз оилада 4 та фарзандмиз. Ота-онамиз бағрида қорнимиз тўқ, устимиз бут ҳолда мактабга, ўйнаб-кулиб бориб-келиб юрибмиз. Қўшни мамлакатлардаги тенгдошларим тақдирини кўз олдимга келтирар эканман, ўз турмушимизга, юртимизга, қолаверса, тинч-фаровонлигимизни ўзларининг беқиёс доноликлари билан сақлаб келаётган Ислом ота Каримовга меҳрим янада ортди. Энг баланд жойга чиқиб ҳайқиргим келади—Тинчлигинг абадий бўлсин, халқим!

Мақсадбек БОБОХОНОВ,
Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 105-мактабнинг 8-синф ўқувчиси

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Куни кеча Халқ таълими вазирлигига Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 27-мактабдан қувончли телеграмма келди.

Унда мактаб маъмурияти ва педагогик жамоалари ўзлари ишлаб топган маблағ ҳисобидан мактаб биносини ва барча ўқув синф хоналарини 2001-2002 ўқув йилга таъмирдан чиқарганликлари ҳақида хабар қилинади.

Ушбу ишдан Республикамиздаги барча таълим муассасалари ибрат олсалар арзийди. Шунингдек, мактабда "Мактаб бозори" ташкил этилиб, унда ўқувчиларга дарсликлар ва ўқув қуроллари сотуви йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Барча таълим муассасаларини Янгиариқ туманидаги 27-мактабнинг тинибтинчимас раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Қўчқор ота Жуманиёзов раҳбарлик қилаётган педагогик жамоаларининг ташаббуслари кенг қулоч ёйишини хоҳлардик.

Ҳикматилла ҒУЛОМОВ,
Халқ таълими вазирлигининг Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бош назоратчи-услубчиси

Anjuman

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Таълим бўйича Америка кенгашлари АКСЕЛС ва унинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида пойтахтимиздаги "Шератон" меҳмонхонасида "Таълим муассасалари ва меҳнат бозори ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш" бўйича халқаро анжуман уюштирилди. Уни АКСЕЛСнинг Ўзбекистондаги директори Майкл Куртис кириш сўзи билан очди ҳамда ташкилотнинг кейинги йиллардаги фаолияти ҳақида ахборот берди.

Ушбу йиғилишда халқ таълими вазири Р.Жўраев, олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, АКСЕЛС президенти Ден Девидсон ҳамда 1998—2000 йилларда АКСЕЛС дастурларида қатнашиб, ғолиб бўлган таълим муассасалари ходимларидан 70 нафари қатнашдилар.

Анжуман таълим жараёнидаги меҳнат бозорига қадам қўяётган битирувчилар ва уларнинг иш берувчилари учун муҳим масалаларга ўз эътиборини қаратди. Касбий тайёргарлик, мактаб иш дастурлари амалиётга ва малака марказларига бағишланган бўлимларда Ўзбекистон ўқитувчилик мукофотлари" ва "Таълимда ҳамкорлар" дастурларида қатнашган умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчилари, раҳбарлари ва таълим мутахассислари америкалик ҳамкасблари билан ўқув дастури ва касбий ривожланиш таълим муассасаларини бошқариш каби соҳаларда фикр ва тажриба алмашиб қайтмоқдалар.

АКСЕЛС нафақат Ўзбекистонда, балки дунё миқёсидаги нуфузли ташкилотдир. Унинг юртимиз таълим муассасалари билан доимий ҳамкорлигини инобатга олган ҳолда ушбу уч кунлик анжуманнинг ҳам самараси сезиларли бўлишига умид боғлаб қоламиз.

шароитларига мос келувчи моделлар тадқиқотлари муҳокама этилди.

Асосий мақсад шундан иборат бўлдики, ижодий фикрлашни ривожлантириш ва бу янги йўналиш учун моделлар ҳамда дастурлар тайёрлаш лозим. АКСЕЛС ташкилотининг "Аъло

Фарҳод ЭРДОШЕВ,
"Маърифат" мухбири

YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

6-ДАРС

G БИЛАН К МУНОСАБАТИ

G (g) ҳарфи лотин алифбосига асосланган миллий алифболарнинг аксариятида мавжуд бўлиб, ёзилиш шакли бироз мураккаброқ туюлиши мумкин. Аммо кирилл алифбосидаги кичик **д** ҳарфининг ёзма шаклини кўз олдингизга келтирсангиз, янги алифбомиздаги **G (g)** ҳарфининг ёзма шаклларини ёзишда қийинчилик сезмайсиз. Лотин ёзувидаги янги алифбомизда бу ҳарфнинг ёзма катта шаклини ёзиш учун белгининг юқори доира шаклини икки баравар каттароқ мўлжалда ёзишга ҳаракат қилинг. **G (g)** ҳарфи ёзма шаклининг сатр чизиғидаги кўриниши қуйидагича бўлади: **GG gg** Бу ҳарфни босма катта ва кичик шакларини қўлда ёзиш нисбатан мураккаб: **Gg Gaga, egri**

Gg ҳарфи ўзбек тилида ўрта фаол ундошлардан бўлиб, тилнинг орқа қисмида жарангли тарзда талаффуз қилинадиган портловчи товушни ифодалашга хизмат қилади. Масалан; гул - **gul**, Гурлан — **Gurlan**, агар — **agar**, тугма — **tugma**, нега — **nega** каби сўз охирида келганда, жарангсиз, к каби эшитилса ҳам, доим g ёзилиши лозим. Қаранг: барг — **barg,** (bark эмас), диалог — **dialog** (dialok эмас).

G(g) ундошининг жарангсиз жуфти лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбомизда, кўпчилик ёзувларда, чунончи, кириллчада ҳам мавжуд бўлган **К (k)** ҳарфий белгиси билан берилган. Унутмангки, кирилл ёзувидаги эски алифбомизда ҳам босма, ҳам ёзма шакллари айнан бир хил ёзиладиган яго-на ҳарф ҳам айнан шу К (к) ҳисобланади. (Бу лотин ёзувидаги янги алифбомизга ҳам тегишли).

К(к) ҳарфи тилнинг орқа қисмида жарангсиз тарзда талаффуз қилинадиган портловчи товушни ифодаловчи ҳарфий белги эканлигига кўра ҳам эски ва янги алифбомизда мос келувчи ҳолатдир. Қаранг: копток — koptok, икки — ikki, газак — gazak, илгак — ilgak.

G(g) ва **K(k)** ҳарфлари орқали ифодаланувчи бу жуфтлик ундошлар ҳосил бўлиш ўрнига кўра бир-бирига яқин бўлгани учун ҳам талаффузда ўзаро алмашиниш хусусиятига эга. Бу ҳолат ёзувга ҳам ўз таъсирини кўрсатгани туфайли қўшимчалар қўшилиши натижасидаги **g** ва **k** ҳарфларининг имлосида қуйидагиларни инобатга олиш зарур бўлади;

сўзларнинг охири **k** ҳарфи билан тугаганда уларга эгалик қўшимчалари қўшилиши туфайли жарангсиз к ўз жарангли жуфти — **g** га айланади ва шундай ёзилади: **tilak — tilagim, yurak — yuragimiz, ilik — iligim, каби.**

Аммо бу қоидани барча сўзларга татбиқ этиб бўлмайди. Чунки бир бўғинли кўпгина сўзларга, шунингдек, кўп бўғинли ўзлашма сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда ҳам ўзак охиридаги к товуши аслига мувофиқ айтилади ва эгалик қўшимчасидан олдин ўзгартирилмай к билан ёзилади.

Қаранг: **пок — noki, erk — erking, ishtirok — ishtiroki, ocherk — ocherkimiz каби**

(Давоми бор)

Абдурозиқ РАФИЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент

ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Boshqaruv kengashida

Маълумки, ушбу ўқув йилининг якунида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичи натижалари ҳам сарҳисоб қилинади. Бугунги кунда мамлакат таълим тизимининг барча жабҳаларида ана шу масала кенг муҳокамадан ўтаяпти. Жорий йилнинг 1-2 июнь кунларида қадимий ва гўзал Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг кўчма Бошқарув кенгаши иши ҳам ана шу масалаларга бағишланди. Унда ҳудудий ЎМКҲТ бошқармалари бошлиқлари, уларнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича муовинлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги академик лицейлар қурилиши дирекциялари бошлиқлари ва қатор илм масканлари раҳбар ходимлари иштирок этишди.

Биринчи куни иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда Самарқанддаги молия-иқтисодиёт, қишлоқ хўжалик, банк, туризм ва маиший хизмат йўналишида фаолият юритаётган касб-ҳунар коллежларига ташриф буюришди. Мазкур ташрифлар давомида коллеж ўқитувчилари, талаба-ёшлари билан очиқ мулоқотлар, баҳсмунозаралар, амалий таклифлар бериш орқали ўзаро тажриба алмашувлар бўлиб ўтди. Шу куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари, буюк меъморчилик санъати намуналари билан танишишди.

Навбатдаги Бошқарув кенгаши ўз ишини Самарқанд шаҳар енгил саноат касб-ҳунар коллежи фаолияти билан танишувдан бошлади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ЎМКҲТ Маркази раҳбари Жуманазар Хусанов йиғилишни очар экан, бугунги кунда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар хусусида гапирди. Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Маматов Бошқарув кенгаши аъзолари ва вилоят вакилларига кенгаш ишида муваффақиятлар тилади.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан ЎМКҲТРИ мониторинг бўлими бошлиғи Тамара Довжанова академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтказилаётган тажриба-синов ишларининг иккинчи босқич биринчи ярмида амалга оширилган ишларнинг якуни ҳақида маълумот берди. Мамлакатимизда 2000 йилда ташкил этилиши лозим бўлган академик лицейлар қурилишида жойлардаги академик лицейлар қурилиши дирекциялари олиб бораётган ишлар хусусида Марказнинг капитал қурилиш, реконструкция, таъмирлаш ва моддий-техник жиҳозлаш бошқармаси бошлиғи Убайдулла Усмонов сўзлади. Шунингдек, Бошқарув кенгашида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ЎМКҲТ бошқармалари тасарруфидаги ўқув муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш ҳолати ҳақидаги масалалар кўрилди.

Нурлан УСМОНОВ

II bolalar san'at festivali

"БОЛАЛАР УЧУН ҲА, ДЕБ ОВОЗ БЕРИНГ!"

"Соғлом авлод" халқаро хайрия жамғармаси Халқ таълими ва Маданият вазирликлари, Болалар жамғармаси ҳамда "Ўзбекнаво" ҳамкорликда "Туркистон" санъат саройида мустақиллигимизнинг 10 йиллигига, шунингдек Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, II болалар санъат фестивалини ўтказишди. Уни бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова кириш сўзи билан очди ҳамда фестиваль иштирокчиларини бу қутлуғ байрам билан чин дилдан табриклади.

Фестивалда тасвирий ва амалий санъатнинг ёш намояндалари ўз бадиий кўргазмаларини намойиш қилдилар. Шунингдек, байрамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда юртимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган санъаткорлар ўз дастурлари билан чиқишди. Концерт давомида уларга вазирликлар томонидан совғалар улашилди.

Диққатга сазовор жойи шундаки, байрамда болалар манфаатлари йўлидаги, яъни "БОЛАЛАР УЧУН ҲА, ДЕБ ОВОЗ БЕРИНГ!" халқаро ҳаракатига чорлов эълон қилинди. Бу халқаро ҳаракат шу йил 26 апрелда Лондонда старт олган эди.

Шу йилнинг сентябрь ойида бўлиши мўлжалланаётган БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сессиясига йиғилажак давлат раҳбарларига ўз мамлакати болаларини мумкин қадар қўллаб-қувватлаши юзасидан йўл-йўриқлар берилади. Сессияда кейинги 10 йил давомида болалар манфаати йўлида эришилган ютуқлар таҳлил қилиниши, яқин 10 йил ичида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар муҳокамаш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, бундай муносабатни таъминлаш учун ЮНИСЕФ барча ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда болалар манфаатлари йўлидаги халқаро ҳаракатни қўллаб-қувватлайди ва бу махсус масалага сессияда иштирокчи мамлакатлар раҳбарлари эътиборини алоҳида жалб қилади. Албатта, бу ҳаракат болалар манфаатлари йўлида ўзгаришларни амалга оширувчи катта кучдир. Ва ўйлаймизки, бу йил болалар ҳаётида унутилмас, муҳим аҳамият касб этувчи йил бўлиб қолади.

Фарҳод ДИЛМУРОД ўғли

Ўқитувчи ён дафтарига

ҲАРОРАТ КЎТАРИЛАДИМИ?

Америка метеорология жамиятининг бюллетени сайёрамизда кучли исиш содир бўлмаслиги ҳақидаги бир гуруҳ олимларнинг умидбахш тахминларини эълон қилди. НАСАнинг фазовий тадқиқотлар маркази олимлари 20 ой мобайнида Тинч океани устида тадқиқотлар ўтказишгач, ушбу натижага келишган.

ПИЁДАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

Бельгиялик ихтирочи Тони Кавалери ўйлаб топган ғаройиб йўлакчага яқинлашсангиз, у ўзидан нур тарата бошлайди. Махсус кўзгули қурилма йўловчи яқинлашаётганини сезиб, чироқни ёқишга сигнал беради. Энг гавжум чорраҳаларда ўрнатилиши кутилаётган бу йўлакчанинг асосий вазифаси ҳаракат ва пиёдалар хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

МОСЛАШУВЧАН ЎСИМЛИКЛАР

НАСА олимлари ўсимликларнинг генетикасини шу даражада ўзгартиришга эришдиларки, бундай ўсимликларни хоҳлаган жойда ўстириш имкони бўлади. Олимлар Марс сайёраси тупроғини ўрганиб, ўсимликларни унга мослаштириш ва қизил сайёрада ҳам наботот оламини бунёд этиш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

ПАРВОЗ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Японияли коинотшунос мутахассислар Венера сайёрасига учувчисиз бошқариладиган фазовий кема учиришни режалаштиришмоқда. Парвоздан кўзланган мақсад Венера атмосфераси ва у ердаги иссиқлик эффектини ўрганишдир.

Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорини бажариш мақсадида "Умумий ўрта таълим муассасалари учун ўқув режани тасдиқлаш ҳақида"ги буйруқ имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларининг 2001-2002 ўқув йилига мўлжалланган ўтиш даври ўқув режаси (таълим қайси тилда олиб борилишидан қатъий назар) тасдиқланиши муносабати билан қатор вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, Республика таълим марказига: жорий йилнинг 1 августига қадар ўқув режада белгиланган барча фанлар ва курслар бўйича услубий тавсиялар, йўриқномалар тайёрлаш ҳамда жойларга етказиш вазифаси юклатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари эса тасдиқланган ўқув режа ва ўқув режанинг тушунтириш хатида белгиланган вазифаларнинг ижросини умумий ўрта таълим муассасаларида жорий қилинишини назорат этадилар.

Хуллас, мазкур буйруқ билан боғлиқ ишлар қатъий назорат остида бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ 2001-2002 ЎҚУВ ЙИЛИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎТИШ ДАВРИ ЎҚУВ РЕЖАСИ

Т\р	Ўқув фанлари	Синфлар (Янги дастур асосида) 1	2	3	4	5	6	7	8	Умумий соат	Синфлар (Ҳаракатдаги дастур асосида) 9	10	11	умум соат	Ҳафта Умум. соат	Жами соат
	Давлат ихтиёридаги соатлар	20	22	24	24	30	32	33	34	219	35	36	36	107	326	11064
1.	Ўзбек тили		2	2	2	2	2	2	2	14	2	2	2	6	20	680
2.	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	62	5	5	5	15	77	2610
3.	Хорижий тил					3	3	3	3	12	2	2	2	6	18	612
4.	Тарих					2	2	3	3	10	4	4	4	12	22	748
5.	Давлат ва ҳуқуқ асослари								1	1	1			1	2	68
6.	Инсон ва жамият												1	1	1	34
7.	Иқтисодий билим асослари								1		1	1	1	3	4	136
8.	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	40	5	5	4	14	54	1835
9.	Информатика								1	1	1	2	2	5	6	204
10.	Физика, астрономия						2	2	2	6	3	4	5	12	18	612
11.	Кимё							2	2	4	3	2	2	7	11	374
12.	Биология					1	2	2	2	7	2	1	2	5	12	408
13.	Табиийот ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	11	1	2		3	14	475
14.	Одобнома	1	1	1	1					4					4	135
15.	Ватан туйғуси					1	1			2					2	68
16.	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари							1	1	2	1			1	3	102
17.	Мусиқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1		7					7	237
18.	Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1		7					7	237
19.	Чизмачилик								1	1					1	34
20.	Меҳнат	1	1	1	1	2	2	2	1	11	2	2	2	6	17	577
21.	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	16	2	2	2	6	22	746
22.	Чақириққача ёшларни тайёрлаш											2	2	4	4	136
	Мактаб ихтиёридаги соатлар	2	2	2	2	2	2	2	2	16	3	3	3	9	25	848
	Умумий соатлар	22	24	26	26	32	34	35	36	235	38	39	39	116	351	11912
	Амалий меҳнат машғулоти(кун ҳисоботи)					6	6	10	16			20				

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ўқув режа Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатмалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари" асосида тузилган.

Ўқув режа ўтиш даврига мўлжалланган бўлиб, бунда 2001-2002 ўқув йилида I-VIII синфлар янги дастур, IX-XI синфлар амалдаги дастур асосида ўқитилиши режалаштирилган.

Ўқув режа таркибан давлат ва мактаб компонентларидан иборатдир.

Мактаб компоненти мактабнинг дарс соатларига бўлган эҳтиёжни қондириш имконини беради ҳамда ўқувчи шахсининг яратувчанлик имкониятларини кенгайтириш, ижодий, ижтимоий ва амалий фаолиятларини ривожлантириш учун шароит яратади. Бошланғич синфларда мактаб ихтиёрига берилган соатлар ўқувчиларнинг асосан маънавий, бадиий-эстетик, мусиқавий, ахлоқий-ҳуқуқий фазилатларини ривожлантиришга қаратилади. Шу билан бирга мактаб компонентига ажратилган соатлар факультатив ва ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра ижодий қобилиятини ўстирувчи якка, гуруҳ машғулотларига ҳамда ихтисослаштирилган таълимни ташкил қилишга ажратилади.

Мактаб ихтиёрига берилган соатларни ўтишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ҳайъат мажлиси қарори билан тавсия этган дастур ва қўлланмалар ёки мактаб методика бирлашмалари ҳамда мутахассислар ҳамкорлигида яратилиб, Республика Таълим маркази томонидан тасдиқланган алоҳида дастур ва қўлланмаларни жорий қилиш мумкин. (Изоҳ: мустақил тайёрланган дастур ва қўлланмалар Қорақалпоғистон Республикаси ўқув-методика маркази, Тошкент шаҳар, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари илмий-методика кенгашлари тавсияномасидан сўнг, Республика Таълим марказига тасдиқлашга берилади. Бунда ўқитувчиларни хоҳиш-истакларидан ташқари, малакали мутахассислар ва ўқув-моддий базанинг мавжудлиги ҳақидаги маълумот ҳамда мактаб кенгашининг қарори бўлиши шарт).

Давлат компонентига ажратилган фанлар Давлат таълим стандартлари асосида тузилган дастурларга биноан ўтилади.

1.Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани ўзбек тили фани ўрнида ўқитилади. Таълим, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари хоҳишига қараб она тили ва адабиётдан III-IV синфларда 2 соатдан, V-XI синфларда хорижий тиллар ҳисобида 3-синфдан бошлаб ўқитилиши мумкин. Мактаб педагогика кенгаши қарорига асосан, мазкур тиллар (ўзбек ва рус тиллари)ни чуқур ўрганиш учун давлат ва мактаб компонентларидаги соатлардан қўшимча фойдаланиш мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 январдаги "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурини яратиш ва Республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида"ги Ф-1331-сонли фармойиши асосида X-XI синфларда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" курсини мактаб компоненти ҳисобидан ҳар бир синфда 17 соатдан ўқитилади.

3. Диний урф-одатлар, қадриятлар ҳамда уларнинг тарих Одобнома (I-IV), Атрофимиздаги олам (I-IV), Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (IX синф), Тарих (V-IX синф), Адабиёт (VIII-IX) ўқув фанлари таркибида тегишли дарс мавзуларида ўрганилади. IX синфда ўқув йилининг иккинчи ярмидан "Тарих фани ҳисобидан (Ўзбекистон тарихидан 1 соат, Жаҳон тарихидан 1 соат), "Динлар тарихи" курси 3 соат ўқитилади. Бундан ташқари, 8-синфларда тарбиявий соатларда 1 соатли дарс асосида "Ҳадис илми сабоқлари" ўрганилади.

4. I-IV синфларда ўтказилган жисмоний тарбия дарсларида назарий материал сифатида "Ўзбекистон ифтихорлари" қўлланмасидан ҳам фойдаланилади (бу курсни юқори синфларда ҳам жисмоний тарбия дарсларида ўтилиши мақсадга мувофиқ).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Ф-1322 -сонли фармойиши асосида 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб I-IV синфларда "Конституция алифбоси" курси "Одобнома" ва бошқа ўқув фанлари таркибида жами 10 соат ўрганилади:

- V-VII синфларда "Конституция оламига саёҳат" курсини мактаб компоненти ҳисобидан 17 соатдан ажратилиб ўқитилади, бу машғулотлар мактаб дарс жадвалига киритилиши ва синф журналида бет ажратилиши лозим. Ушбу курс махсус малака ошириш курсидан ўтган мутахассис ўқитувчи томонидан ўтилади.

6. "Иқтисодий билим асослари":

- I-IV синфларда "Иқтисод алифбоси" курсининг ўқув материаллар она тили, ўқиш, математика фанлари таркибида;
- V-VII синфларда "Иқтисод сабоқлари" ўқув курслари она тили, хорижий тиллар, математика, география ва меҳнат таълими фанлар таркибида. VIII-XI синфларда эса алоҳида фан сифатида ўқитилади.

7. V синфда биология фанида 2000 йилда "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилган "Ботаника" (V-VI синф) дарслигидан 34 соатга мўлжалланган мавзулар, VI синфда эса дарсликнингдавоми тўлиқ ўрганилади.

8. "Табиийот" фани бошланғич синфларда "Атрофимиздаги олам" ва "Табиатшунослик"ни ташкил этади. География фани V-X синфларда ўқитилиб, V синфга ажратилган ҳафталик 1 соатда "Табиий география" бошланғич курси ўқитилади. Бунда Vсинфлар учун мўлжалланган. П.Мусаев ва А.Баҳромовнинг "Табиий география бошланғич курси" ("Ўқитувчи", 2000, 2001 й.) қўлланмасидан фойдаланилади. VI синфда 68 соат давомида "Материк ва океанлар табиий географияси", VII синфда "Ўрта Осиё табиий географияси" биринчи ярим йилликда (34 соат) ва иккинчи ярим йилликда "Ўзбекистон табиий географияси"дан янги дастур асосида ўқитилади.

9. Кимё ўқув фани 2001-2002 ўқув йилидан янги дастур асосида VIII синфдан бошлаб ўқитилмоқда.

10. Чизмачилик фани VIII синфларда 2001-2002 ўқув йилида янги дастур ва дарсликлар асосида ўқитилади. IX синфларда Республика таълим маркази томонидан тайёрланган методик тавсиялари асосида мактаб компоненти ҳисобидан машғулотлар олиб борилиши мумкин.

11. Барча турдаги таълим муассасаларида таянч ўқув режаси якуний юклама бўйича давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилади. Факультатив, якка, гуруҳ машғулотлари гуруҳдаги ўқувчилар сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда молиялаштирилади.

12. Мактаб кенгаши қарори асосида давлат компонентидаги фанларга ажратилган соатларни ўқув дастурини бажариш шарти билан 15 фоиздан ошмаган ҳолда қисқартириб, айрим фанлар чуқур ўқитиладиган синфлар ихтисосликка йўналтирилган мактабларга мустақил (вариатив) ўқув режаларни тузиш ҳуқуқи берилади. Бундан ташқари V-XI синфлардаги "Меҳнат" дарсларининг ҳисобига касб ихтисослигига йўналтирилган фанларнинг амалий машғулотларини ўтказишга рухсат берилади. Бу ўқув режани Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси тасдиқлайди. Лекин ҳар бир синф учун мўлжалланган жами ҳафталик соатлар ҳажми мазкур ўқув режада кўрсатилган миқдордан ошмаслиги лозим.

13. I-VIII синфларда "Йўл ҳаракати қоидалари"ни ўрганиш учун ҳар бир синфга мактаб компоненти ҳисобидан йилига 17 соат ажратилади. I-IV синфларда бошланғич синф ўқитувчилари, V-VIII синфларда махсус курсдан ўтган мутахассис-ўқитувчи томонидан ўтилади. Бу машғулотлар мактаб дарс жадвалига киритилиши шарт ва синф журналида бет ажратилиб, ўқувчилар билими баҳоланади.

14. 2000 йил "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда яратилган "Соғлом авлод асослари" дастуридан I-IV синфларда "Одобнома" дарсида тегишли мавзуларда фойдаланилади.

V-VIII синфларда ушбу дастур асосида ўқитиш мактаб компоненти ҳисобидаги соатдан фойдаланган ҳолда ташкил этилади (17 соат). IX-синфда ундан "Одам ва унинг саломатлиги" фани таркибида тегишли мавзуларда фойдаланилади (Республика таълим марказининг тавсияномаси асосида).

15. "Инсон хавфсизлиги асослари" машғулотлари I-IV синфларда ўқув йилининг иккинчи ярмида жисмоний тарбия фани ҳисобидан 6 соат, "Одам ва унинг саломатлиги", "Умумий биология" ва "Кимё" фанлари дастурлари таркибида 8 соат ўқитилади.

16. Малакали ўқитувчиларга ва зарур шароитларга эга бўлган умумий ўрта таълим мактабларида — шаҳар мактабларида синфдаги ўқувчиларнинг сони 25 ва ундан ортиқ, қишлоқ мактаби синфларида 20 ва ундан ортиқ бўлган тақдирда қуйидаги фанларни ўқитишда синфлар гуруҳларга бўлинади:

- II-XI синфларда хорижий тиллар дарсларини ўтишда;
- таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда II-XI синфларда ўзбек тили дарсини ўтишда;
- VIII-XI синфларда "Информатика" фани дарсларини ўтишда;
- VIII-XI синфларда жисмоний тарбия дарсларини ўтишда (ҳар бир гуруҳда йигит ва қизлар саккизтадан кам бўлмаса);
- V-XI синфларда меҳнат дарсларини ўтишда.

Мактаб компонентига ажратилган соатлар юқоридаги фанларга берилганда ҳам синфлар гуруҳларга бўлиб ўқитилади.

17. Таълим қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда мактаб кенгашининг қарорига биноан, айрим фанлар, курслар ўзбек тили (давлат тили)да ўқитилиши тавсия этилади.

18. Мазкур ўқув режада таълим меъёри Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсиясига биноат биринчи синфда 33 ҳафта, II-XI синфларда 34 ҳафта белгиланган. Мактабда ўқув машғулотлари 2 сентябрдан бошланади ва барча синфларда 25 майда тугатилади. Ўқув йили мобайнида таътиллар: кузги таътил — 4 ноябрдан 11 ноябргача; қишки таътил — 31 декабрдан 10 январгача; баҳорги таътил — 22 мартдан 31 мартгача; ёзги таътил ўқув йили (имтиҳонлар) тугаган кундан бошлаб 31 августгача давом этади. Шу билан бирга 1-синф ўқувчилари учун февраль ойининг учинчи ҳафтасида бир ҳафталик таътил белгиланади.

19. Ўқув йили якунида V-VIII, X синф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва касбга йўналтириш мақсадида амалий меҳнат машғулотлари бевосита мактабда, идора ва корхоналарда қуйидагича ўтилади:

—V-VI синфларда 6 кун 3 соатдан;

—VII синфда 10 кун 3 соатдан;

—VIII синфда 16 кун 4 соатдан;

—X синфда 20 кун 6 соатдан.

Маълумки, кўҳна Турон ва Эронда узоқ давом этган кўпхудоликка қарши кураш жараёнида, эрамиздан олдинги VII асрнинг охирига келиб якка тангри — Аҳурамаздага эътиқод кашф этилиб, ғалаба қозонади. Унга Хоразмнинг Спитама қавмидан чиққан, Ер юзидаги биринчи шоир, воиз, файласуф, дин ва жамоат арбоби Зардушт асос солади. Шунинг учун ҳам, бу дин "Авесто" ҳамда ўша замонда яратилган барча китобларда, ҳатто "Шоҳнома"да ҳам "Маздапарастлик" ёки "Зардуштийлик" дини деб аталиб келинган.

Аммо ўрта асрлардан бошлаб айрим китобларда баъзи муаллифлар бу динни "мажусийлик", яъни "оташпарастлик" деб аташган. Натижада асл тарихий ҳақиқатни, "зардуштийлик" динининг туб моҳиятини билмаган Ғарбий европалик шарқшунослар, улар анъанасини давом эттирган олимларимиз ҳам ҳамон "оташпарастлик" атамасини қўллаб келаётир. Ҳақиқатан ҳам шундайми? "Оташпарастлик" сўзи қаердан келиб чиққан? Нега зардуштийлик динига эътиқод қилувчиларда оташ бу қадар улуғланган, муқаддаслаштирилган?

Биз қуйида бу саволларга "Авесто" ҳамда сосонийлар даврида паҳлавий тилида яратилган, зардуштийлик тарихини ўрганишга кўмаклашадиган "Динкард" (дин саргузашти) китобларига суяниб, баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қилмоқчимиз. Маълумки, Жамшид (бошқа ривоятга кўра Таҳмурас) томонидан оташ кашф этилгач, барча қишлоқ, шаҳар гузарларида махсус оловхона — оташгоҳлар қурилган. Салтанатни эгаллаган ёки тахтга ўтирган ҳар бир подшоҳ махсус ҳашаматли оташгоҳлар қурдириб, ўз шуҳратини оширишга интилган. Тарихдаги "Жамшид оташи", "Баҳром оташи", "Фаридун оташи", "Кайхусрав оташи" иборалари ўшандан қолган. Марказий шаҳарлардаги оташгоҳлар саройга яқин жойга, оташкада — ибодатхона олдига, сайлгоҳлар ёнига қурилган.

Жамшид подшолиги замонида (700 йил ҳукмронлик қилган) саккиз ойлик қаҳратон қиш бўлади. Бутун мавжудотнинг учдан икки қисми ҳалокатга учрайди. Шу кезлар Тангридан: "Ё Жамшид. Ер юзида бундан кейин барча мавжудотлар зотининг қолиш-қолмаслиги сенинг донишингга боғлиқ. Бунинг тадорикини кўр", деган ваҳий келади. Шундан сўнг подшоҳ етти иқлимдан донишмандларни йиғиб кенгашади: қуёш нуридан фойдаланиб, ғишт пиширилади, "ирзир" номли қоришма кашф этилади. Натижада Хоразмдан бошлаб барча минтақаларда ер ости қишлоқлари — йимкард, ер ости шаҳарлари — йимгирадлар қурилади. Қиш тугагунча одам, ҳайвонот, парранда, наботот ўша ерга жойлаштирилади; сув, олов ҳам олиб кирилади, деҳқончилик йўлга қўйилади. Оташгоҳлардан ер юзига махсус мўрилар чиқарилади (ўчоқларга мўрилар чиқариш ўшанда расм бўлган экан). Қадимшунослар Ўрол бўйи шаҳарларида, Хоразм ҳамда Туркманистонда ана шундай "йимгирад" харобаларини топишгани илм-фанга маълум.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оташкадалар ҳам, оташгоҳлар ҳам махсус нақша асосида қурилган гузарларда жойлашган. Халқ турли маросимларни, сайл, байрам тантаналарини ана шу ерда ўтказишган. Ҳамиша ловуллаб ёниб, алангаси осмонга интилган оташ улар учун бир мўъжиза, Тангрининг бандаларига иноъми, унинг зухури, поклик, рўшнолик рамзидек тушунилган. Ҳатто халқ орасида "Оташ Тангрининг ўғлидир, у бекорга мудом осмонга интилмайди" деган ақида ҳам пайдо бўлган. Шарқ фалсафасидаги пантеистик таълимотнинг илдизи ана шу тушунчага бориб тақалса ажаб эмас. Зардуштийларда оташ ва ўтин муқаддас саналгани учун бировнинг ўчган оловини ёқиб бериш ёки тутантириқ иноъом этиш энг яхши ҳадя ҳисобланган. Демак, оташ нур, рўшнолик, инсонлар руҳиятини покловчи, ёруғликка ҳидоят этиш рамзи бўлиб, кундалик турмушнинг асосий воситаси бўлган.

Сосоний подшоҳлар "Авесто" ҳамда ўша тилда битилган китобларни паҳлавий тилига таржима қилдирадилар, "Шоҳномаи паҳлавий"ни тузадирадилар. Ана шу ёдгорликларда Зардуштнинг номи бузилиб, "Магупта" тарзида ёзилади. Теҳронлик доктор Ризоийнинг аниқлашича, халифа Маъмун даврида ана шу паҳлавийча китоблар араб тилига таржима қилинган ва "Магупта" "Мажус" тарзида ёзилган. "Маг", "Мог", "Муғ" сўзларининг авесточа маъноси "оташ", "олов"дир. Натижада илк ўрта асрларданоқ араб тилидаги илмий адабиётларда Зардушт — оташпараст, у асос солган дин эса "оташпарастлик", деб ёзила бошланган. 20-йилларда рус шарқшунослигида маздопарастларни "огнепоклонники" деб аташган. Уларга тўғридан-тўғри тақлид қилиб бизнинг олимларимиз ҳам ана шу анъанани давом эттиришган. Форсий тилда яратилган илмий, бадиий асарларда "Авесто" ҳамда унга ёзилган шарҳларда ҳам "оташпарст" деган сўз йўқ. Ҳатто "Шоҳнома" қаҳрамонларидан бири ўз мухолифига "бизни оташпараст дема, биз маздопарастмиз" деб хитоб қилади.

Демак, зардуштийларда "оташ" ёруғлик, нур, нурафшон йўлга ундов, поклик, ҳатто баъзи касалликларни даф этиш рамзи, воситаси бўлган. Митрадан нур ёғилиб туриши унинг Қуёш тангриси эканлиги белгисидир. Бас шундай экан, биз бундан кейин энг қадим аждодларимиз эътиқод этган, якка тангрига суянган динни "оташпарастлик", "мажусийлик" деб атамасдан "маздопарастлик", "зардуштийлик" деб номласак, тарихий, илмий ҳақиқатга асосланган бўламиз.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
профессор

Ma'rifat маслаҳатхонаси

Савол: Бухоро шаҳри Урицкий кўчаси 3-уйда яшовчи М.Х.Ҳабибовадан:

— Малака ошириш институтида таълим берган ўқитувчилар имтиёзли педагогик стажга эга бўладиларми-йўқми?

Жавоб: — Хатингизда ёзишингизча, 1969 йилда Бухоро педагоргика институтини битириб, 1975 йилгача мактабда ўқитувчилик қилгансиз, 1975 йилдан 1982 йилгача ўқитувчилар малакасини ошириш институтида услубиётчи бўлиб ишлагансиз, 50 ёшга тўлиб, имтиёзли нафақага чиқишда ўқитувчилар малакасини ошириш институтидаги 7 йиллик иш фаолиятингиз(стажингиз) имтиёзли нафақага кирмаганлиги ҳақида ёзибсиз. Ҳақиқатан ҳам 12 май 1994 йилдаги Вазирлар Маҳкамасининг 250-рақамли қароридаги 3-рўйхатда, яъни нафақага 5 йил олдин чиқиш ҳуқуқини берувчи рўйхатда таълим муассасалари ҳамда лавозимлар ичида, сиз меҳнат қилган таълим муассасалари тури ва услубиётчилар лавозимлари кўрсатилмаган, шу сабабли имтиёзли нафақага чиқиш ҳуқуқига эга эмассиз.

Савол: Хоразм вилояти, Урганч тумани "Истиқбол" жамоа хўжалиги 20-бригадасида истиқомат қилувчи Худойназар Юсуповдан:

— Компьютер зарари учун бериладиган қўшимча ҳақ бекор қилинганми, агар бекор қилинган бўлса вазирликнинг қайси қарори билан бекор қилинди (информатика ва ҳисоблаш машиналарида)?

Жавоб: — Ноқулай меҳнат шароитида ишлаётган ҳамда ноқулай меҳнат шароитли ишлар рўйхатида меҳнат қилаётганларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 03/02-1191 рақамли 15.10.90 йилдаги хатида қўшимча ҳақ тўланиши кўзда тутилган эди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган 21.12.1995 йилдаги 162-1 рақамли ҳамда бу масала юзасидан республика Меҳнат вазирлигининг 17.06.96 йилдаги 770/04-2 тушунтириш хати орқали 1 апрель 1996 йилдан ноқулай меҳнат шароити учун (информатика ва ҳисоблаш машиналарида ишловчи ўқитувчиларга) қўшимча ҳақ тўланиши бекор қилинди.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

Ta'kid

ЗАРДУШТИЙЛАРНИ "ОТАШПАРАСТ" ДЕМАНГ!

Қадимшунослар Ўрол бўйи шаҳарларида, Хоразм ҳамда Туркманистонда ана шундай "йимгирад" харобаларини топишгани илм-фанга маълум.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оташкадалар ҳам, оташгоҳлар ҳам махсус нақша асосида қурилган гузарларда жойлашган. Халқ турли маросимларни, сайл, байрам тантаналарини ана шу ерда ўтказишган. Ҳамиша ловуллаб ёниб, алангаси осмонга интилган оташ улар учун бир мўъжиза, Тангрининг бандаларига иноъми, унинг зухури, поклик, рўшнолик рамзидек тушунилган. Ҳатто халқ орасида "Оташ Тангрининг ўғлидир, у бекорга мудом осмонга интилмайди" деган ақида ҳам пайдо бўлган. Шарқ фалсафасидаги пантеистик таълимотнинг илдизи ана шу тушунчага бориб тақалса ажаб эмас. Зардуштийларда оташ ва ўтин муқаддас саналгани учун бировнинг ўчган оловини ёқиб бериш ёки тутантириқ иноъом этиш энг яхши ҳадя

МЕҲНАТ ОРТИДАГИ ШИРИН ОРЗУЛАР

Ҳозирги кунда Деҳқонобод туманидаги лицейда талабалар 12 та йўналиш, жумладан, тикувчилик, бухгалтерия, бизнес, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича таълим оладилар. Билим юртида назарий билим бериш билан бир қаторда амалий машғулотлар ҳам йўлга қўйилган. Бу ўқув даргоҳида берилаётган таълимнинг самарасини ўқувчиларнинг турли кўрик-танловларда қўлга киритаётган яхши натижалардан ҳам кўриш мумкин. Масалан, 2000 йил вилоят миқёсида ўтказилган "Санъат-2000" кўригида улар мутлақ ғолиб бўлдилар.

—Албатта, ҳар қандай ишда бўлганидек, биз ҳам камчиликлардан холи эмасмиз, —дейди билим юрти директори Усмон Собиров муаммоларни очиқ тан олар экан. *—Масалан, замонавий ўқув қуроллари, кўргазмалар, айрим фанлардан ўқув қўлланмалари етишмайди. Ётоқхонада барча қулайликлар мавжуд бўлгани билан, иссиқ ва совуқ сув йўқ. Сувни ташиб келтирамиз. Бу муаммоларни бартараф этишда бор кучимизни сарфламоқдамиз.*

Бироқ, билим юрти меҳнат жамоаси, қолаверса, талабаларнинг фикрига асосланадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, бу ерга Усмон Собиров раҳбар бўлгач, анча ижобий силжишлар бўлди.

Ўқувчиларга 10 та трактор, 5 та тикув машинаси берилди. Ётоқхоналар қайта таъмирланиб, кутубхона талабалар ихтиёрига топширилди. Ётоқхонада ҳам раҳбарлик жорий этилди, талабалар учун маданий ҳордиқ чиқариш имконияти яратиб берилди. Билим юрти ётоқхоналаридан бирининг бошлиғи Фазлиддин Ташатовнинг айтишича, билим юртига Сурхондарё вилоятидан ҳам талабалар келар экан. Уларга иложи борича яхши шароитлар яратиб берилмоқда.

Талабалар турли нашрларга обуна бўлишган. Билим юртида талабаларнинг олий ўқув юртларига кириш натижалари ҳам чакки эмас. Улардан баъзилари эса ҳозирданоқ туман хўжаликларида, цехларда, касалхоналарда ишламоқда. Билим юрти директоридан келгуси режалар ҳақида сўраганимизда шундай жавоб олдик:

—Режалар катта. Келаётган ўқув йилидан бошлаб билим юртимиз қишлоқ хўжалигига йўналтирилган касб-ҳунар коллежига айлантирилади ва қайта таъмирланади. Ана шундан кейин билим юртимиз энг чиройли ўқув даргоҳига айланади.

Дилноза БЕГИМ,
ЎзМУ магистранти

ИЛМ БОҒИНИНГ БОҒБОНИ

Агар машҳур тилшунос олим, профессор Абдужаббор Мухторов бугун ҳаёт бўлганида умрининг 75-баҳорини қаршилаган бўларди...

Абдужаббор Мухторовнинг XX аср ўзбек тилшунослиги фанига қўшган ҳиссаси салмоқли. Олимнинг профессор У.Турсунов ва Ш.Раҳматуллаев билан ҳамкорликда яратган "Ҳозирги замон ўзбек тили" ва "Ҳозирги ўзбек адабий тили" китоблари 1975 йилгача икки қайта нашр қилиниб, мамлакат илмий-педагогик жамоатчилиги томонидан муносиб баҳоланган. Заҳматкаш олим ҳар сафар бу қўлланманинг қайта нашрини тайёрлар экан, ўзбек тилшунослигининг фонетика, орфография, лексика ва морфология каби соҳаларини тилшунослик фанининг янги ютуқлари асосида ҳамкорликда қайта ишлаб, мукаммаллаштириб борди. Дарсликнинг 20 босма табоқ ҳажмида тайёрланган кейинги нашри сўнгги илмий-назарий фикрлар асосида бойитилган.

Олим илмий қизиқишларининг кўлами кенг эди. У ўзбек адабий тили тарихи соҳасида катта илмий аҳамиятга молик тадқиқотлар яратди. Фаннинг бу йўналишида тилшунос 1971 йили "Ўзбек тилида сифатдош формаларининг ривожланиши тарихи" мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади ва 1972 йили профессор илмий унвонига сазовор бўлди. Унинг ўзбек тилида сифатдош формаларининг тараққиёти тарихига доир ўнлаб илмий-назарий мақолалари босилди ҳамда "Фан" нашриётида чоп этиш учун монографияси тайёрланди. Афсуски, умр вафо қилмай, олим бу ишни охирига етказа олмади.

Абдужаббор Мухторов ўзининг ўзбек адабий тили тарихи соҳасида олиб борган тадқиқотларида бу тилнинг ташкил топиши ва ривожланиши масалалари, услуб кўринишлари, адабий тил тарихи билан тарихий грамматиканинг узвий боғлиқ жиҳатлари, умумий ва фарқли томонлари, туркий тиллар таснифоти билан боғлиқ равишда ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш каби масалалар юзасидан қимматли илмий концепция ишлаб чиқди.

Унинг У.Санақулов билан ҳамкорликда ёзган "Ўзбек адабий тили тарихи" ўқув қўлланмаси айни пайтда олий ўқув юртлари талабалари учун асосий дарслик вазифасини бажармоқда. "Қадимги туркий адабий тил" деб номланган методик қўлланма қадимги туркий тилнинг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятлари тадқиқига ҳамда эски ўзбек адабий тилининг дастлабки босқичларини илмий ёритишга бағишлангандир.

А.Мухторов малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам баракали меҳнат қилди. Унинг илмий раҳбарлиги кўмагида ўндан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланди.

Республикамиз ҳукумати, илмий-адабий жамоатчилик заҳматкаш олим, меҳридарё устоз Абдужаббор Мухторовнинг илмий ва мураббийлик фаолиятига доим ҳурмат-эътибор билан қаради. У ўзбек тилшунослиги фани ривожига қўшган муносиб ҳиссаси ва малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун муносиб тақдирланди. Фидойи олим, меҳрибон мураббий ва покиза инсон Абдужаббор Мухторов бугун шогирдлари даврасида жисман бўлмаса-да, руҳан улар билан доимо биргадир.

Xotira

Ботирхон ВАЛИХЎЖАЕВ,
академик,
Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
профессор,
Дилором САЛОҲИЙ,
филология фанлари номзоди

1 июнь куни республикамизнинг барча ҳудудларида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган катта тадбирлар ўтказилди. Шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги "Боғи Эрам"да ҳам бўлиб ўтди.

Шу куни болажонларга кўпгина қулайликлар яратиб берилди. "Булбулча" болалар ансамблининг чиқишлари ҳамма болаларда катта таассурот қолдирди. Болажонлар саҳнада ўзлари севган куй-қўшиқларга рақсга тушишди.

ИСТИҚЛОЛ БОЛАЛАРИ УЧУН

Шунингдек, тадбирда республика Ўқувчилар техник ижодиёти маркази ҳам каттагина кўргазма уюштирди.

**— Биз бугун кўргазмага қўйган техникалар бу йил ўтказилган "Ёш техниклар" 10-анжумани ғолиб жамоаларининг ўзлари ихтиро этган техникалардир. Буларни кўргазмага қўйишдан асосий мақсадимиз, болаларга ўз тенгқурлари қилган ишларни кўрсатиш ҳамда уларда техникага бўлган қизиқишни уй

Сўз ва қўйнинг ажиб уйғунлиги қалбларда поклик ва эзгулик ҳисларини уйғотади, ҳиссиёт оламини бойитади, онг ва тафаккурнинг ўсишига, ҳаётни теранроқ идрок этишга ёрдам беради.

Танловда "Она ва бола" ўйинчоқлари учун Тошкент шаҳрининг 16-сон болалар боғчаси биринчи ўринни эгаллади.

Ma'rifat

НАФОСАТ ТАРБИЯСИ

Ёшлар маънавиятининг шакланишида нафосат тарбияси алоҳида аҳамиятга эга. Бу тарбия мазмун-моҳиятига кўра, уларда воқеликка эстетик муносабатни қарор топтиради, гўзалликни хунукликдан, кулгини фожиадан ажрата билиш қобилиятини ўстиради. Нафосат руҳида тарбия топган киши дунёқараши, дид ва фаросати, идрок ва тафаккур доираси, кийиниш ва сўзлашиш маданияти — бой маънавий дунёси билан бошқалардан ажралиб туради. Нафосат тарбиясида мусиқа санъатининг ўрни бўлакча. Мусиқа санъати мўъжизакор товушлар, мафтункор куйлар, ажиб туйғулар, ранг-баранг ҳиссий кечинмалар олами. Зеро, қўшиқ ҳам, мусиқа ҳам кучли туғёнлар оғушида туғилади. Сўз ва қўйнинг ажиб уйғунлиги қалбларда поклик ва эзгулик ҳисларини уйғотади, ҳиссиёт оламини бойитади, онг ва тафаккурнинг ўсишига, ҳаётни теранроқ идрок этишга ёрдам беради. Айни пайтда, мусиқа санъати оммани уюштирувчи, улуғ ишларга ундовчи қудратли кучга эга.

Қадим-қадимларданоқ мусиқа ва қўшиқ халқимиз ҳаётини безаб келади. Фарзандни қўшиқ куйлаш, соз чалишга ўргатишдек яхши ният билан хонадонларда бирор чолғу асбобининг сақланиши ёки исм қўйишда гўдак қулоғида азон айтилиши, сурнай садолари остида болаларни хатна қилиш каби урф-одатларимиз замирида теран маъно бор.

"Шарқ мусиқаси, — деган эди Президентимиз Ислом Каримов 1997 йили Самарқандда ўтган "Шарқ тароналари" биринчи халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимидаги табрик сўзида, — Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк. Сиз меҳмон бўлиб турган қадимий Самарқанд музейларидан бирида археологларимиз топган ғоят ноёб, тилла буюмлардан ҳам қимматлироқ мусиқий асбоб — най, беш минг йиллик най авайлаб-асралмоқда. Уни кўрган инсон беихтиёр Шарқ мусиқаси тарихини ўйлайди.

Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда. Ўзининг нозик жозибаси билан дунё маданиятига озуқа бериб, умумбашарий қадриятларга муносиб ҳисса қўшмоқда".

Мусиқанинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида Шарқнинг буюк мутафаккирлари қимматли фикрлар қолдирганлар. Форобий "Мусиқа ҳақида рисола" асарида мусиқани уч турга ажратади. Унинг фикрича, бир хил мусиқа инсонга ҳузур-ҳаловат бахш этади, иккинчи хили эса эҳтиросларни қўзғаб, жўшқин қилади ва ниҳоят, учинчи хил ҳам мусиқа борки, кишини ўйга толдиради, фикрлашга, тафаккур этишга мажбур қилади. Аллома мусиқанинг ахлоқий-тарбиявий жиҳатларига алоҳида эътибор бериб ёзади: "Бу илм шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган (одам)лар хулқини тартибга келтиради, мукаммалликка етмаган хулқни мукаммал қилади ва мувозанатда бўлган одамлар хулқини мувозанатда сақлаб туради. Бу илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир, чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўлади, тана тўсиққа учраса, руҳ ҳам тўсиққа учрайди. Шунинг учун овозларнинг таъсири билан руҳни соғайтириш ёрдамида тана соғайтирилади, руҳ эса ўз кучларини тартибга солиш ва ўз субстанциясига мослантириши орқали соғаяди".

Ибн Сино фикрича, "мусиқа ҳаётбахш, олижаноб ахлоқий хусусиятларни ривожлантиради, у инсонга хизмат қилади, унинг интеллектуал ва ахлоқий қиёфасини шакллантиради".

Аллома ўзининг "Тиб қонунлари" асарида шундай ёзади: "Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун, унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири, болани аста-секин тебратиш, иккинчисини, уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккиси қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан тарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади".

Шарқ алломалари илмий меросида мусиқанинг инсон камолоти йўлидаги катта таъсир ва тарбия кучи ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни кўплаб келтириш мумкин. Бу ўз навбатида, халқимиз ҳаётида қадим-қадимлардан мусиқа етакчи ўрин тутгани, нафақат ҳузур-ҳаловат, балки инсон онги, тафаккури, хулқ-атвори, маънавий камолотини тарбиялашда муҳим ўрин тутганидан далолат беради.

Мустақиллик шарофати билан республикамизда миллий мусиқий қадриятларимизни тиклаш, ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш борасида улкан тадбирлар амалга ошириб келинаётир.

Ижодий жамоалар чет эл сафарларига чиқиб, хорижлик мусиқа шинавандаларини миллий ва замонавий мусиқамиз ютуқлари билан хушнуд этиб, уларнинг Ўзбекистонга, ўзбек мусиқасига муносабатларини шакллантиришда жиддий ҳисса қўшмоқдалар.

Баркамол инсон деганда миллий ва умумбашарий қадриятларни пухта ўзлаштирган, ахлоқли, маърифатли, чуқур билимли, идрокли, одобли, иймонли, миллий ғурури баланд, ватанпарвар кишини тушунамиз. Бундай юксак фазилатларни ўзлаштиришда санъатнинг барча турлари, хусусан, мусиқа санъати ҳам кучли, таъсирчан восита бўлиб хизмат қилади. Мусиқанинг ана шундай қудратидан оқилона фойдаланиш мамлакатимиз зиё аҳлининг, устоз, мураббий ва тарбиячининг, барча санъат аҳли, айниқса, санъатшунос олимларнинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим.

Наргиза ЮСУПОВА,
Низомий номли ТДПУ мусиқа педагогикаси факультети магистранти

"Sevimli o'yinchoqlar"

Яқинда Тошкент вилоятида илмий-педагогик жамоатчилик ва ижодий ташкилотларни янги, юксак педагогик қийматга эга бўлган болалар ўйинчоқлари намунасини яратишга кенг жалб этиш, шу йўл билан ёш авлоднинг ижодий қобилиятини ўстириш, тафаккурини ва руҳий оламини янада ривожлантириш мақсадида мактабгача таълим муассасалари ўртасида "Севимли ўйинчоқлар" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда илмий-тадқиқот институтлари, мактабгача тарбия муассасалари, метод бирлашмалар, мактаб ва маориф бўлимларининг ходимлари, олимлар, техник-муҳандислар, ўқитувчилар ҳамда ота-оналар иштирок этдилар. Танлов учун

БОЛАНИНГ ОВУНЧОҒИ

тайёрланган техник ижодкорлик ва тиришқоқликни, мустақил конструкторлар учун деталлар танлаш каби сифатларни таркиб топтирувчи физика ва кимё фанининг оддий қонуниятларини ўйинлар орқали намойиш этувчи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ранг-баранг ифода этувчи, мусиқали ва жарангдор, ҳаракатли ўйинчоқларнинг болалар савиясини оширишга, уларни жисмоний, ақлий, маънавий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга имкон яратиш каби хусусиятларига ҳакамлар ҳайъати томонидан катта эътибор қаратилди. Болажонлар эса уларни ўйнаб, пайпаслаб, ғир-ғир юргизишиб, "синаб кўришди". Танловда "Она ва бола" ўйинчоқлари учун 16-сон болалар боғчаси биринчи ўринни эгаллади. Ушбу ўйинчоқлар ўзбек халқининг фазилатларини ўзида тўлиқ акс эттирган бўлиб, болада ота-онага ва ўзидан катталарга ҳурмат ва шу каби ижобий фазилатларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
"Маърифат" мухбири

Суратларда: "Севимли ўйинчоқлар" кўрик-танловидан лавҳалар.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ГИМНАСТИКАЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Самарқанд шаҳар ХТБ қошидаги 4-болалар-ўсмирлар гимнастика спорт мактаби саройида "Оналар ва болалар йили", Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги ва Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўқувчи ўсмирлар ва қизлар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича шаҳар очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Унда 52 нафар ёш гимнастикачилар иштирок этишди. Қизиқарли ўтган беллашувларда ўсмирлардан I ёшлар разряди бўйича Артем Манзелян, II разряд бўйича Азиз Азимов, III разряд бўйича Амир Абдурасулов биринчи ўринни эгалладилар. Қизлар ўртасида эса I ёшлар разряди бўйича Регина Раҳматуллина, II разряд бўйича Катя Амирова, III разрядлилардан Наталья Душенкога биринчи ўрин насиб қилди.

Ғолибларга совғалар ва шаҳар ХТБ ҳамда вилоят ХТБ медаллари ҳамда Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Ғолиб спортчилар мураббийлари Монтегиси, Е.Аслонова, А.Ким, Р.Солиҳоваларга, республика VI спартакиадасида муносиб иштирок этган 4-болалар ва ўсмирлар гимнастика спорт мактаби раҳбари Акбар Абдурасуловга вилоят ХТБ томонидан Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар берилди.

Мамажон АҲМЕДОВ,
Республикада хизмат кўрсатган спорт устаси

O'rnak

Истиқлол фуқароларимиз онгига узгача дунёқараш, ташаббускорлик берди. Халқимизнинг маънан етук фарзандлари миллат эртанги куни қайғусида лозим бўлса, жонларини бергани каби бугун уларнинг авлодлари бу ишни давом эттирмоқдалар. Жорий Оналар ва болалар йилида Собир Раҳимов туманидаги Беруний маҳалласида ҳам, айтиш мумкинки, ибратли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Яқинда маҳалла болажонлари уз соғломлаштириш комплекси ва ҳайвонот боғига эга бўлди.

БОҒЧАГА КИРИШ ҲАҚИ — САЛОМ!

Эртани уйлаган фуқароларимизга ўрнак бўлишга арзийдиган ушбу хайрли ташаббус қандай амалга ошганлиги ҳақида маҳалла фаоли, тадбирнинг бошида турган инсон — Абдулла ака Охунжонов билан суҳбатлашганимизда қўйидагиларни билиб олдик.

— Халқимизда "Бир болага етти қўшни ота-она" деган нақл бор. Шу мақсадда уч йил олдин уз маблағим ҳисобидан маҳалла кичкинтойларига соғломлаштириш майдончаси қуриб берган эдим. Шундан сўнг фуқаролар йиғинида буни кенгайтиришга қарор қилдик. Фарзандларимизга кичик ҳайвонот боғи қуриб бердик. Боқижон Шукуржонов, Равшан Иброҳимов, Шавкат Бобомуҳамедов, Борис Пак каби саховатли кишиларимиз ва камина бунга 40 минг сўмдан маблағ ажратдик. Етмаган жойига ички имкониятлардан фойдаландик, эскиларини таъмирлаб, янгиладик. Уз меҳнатинг нони ширин булади, дейишади. Болалар буяшдан тортиб, чим ётқизилишигача булган ишларини уз қуллари билан бажардилар. Бундан мақсад — меҳнат ҳам инсонни тарбиялайди, болаларга ҳаммасини қадрлашни ургатади.

Бир куни бир бола: "Амаки, товуқ тухум қиладими, хурозми?" деб сураб қолди. Бунга бола айбдор эмас. Биз узимизга хос булмаган биқиқ ҳаётга урганиб қолганимиздан миллий, табиий узига хосликларимиздан бегоналашиброқ қолгандекмиз. Кичик боғчада ҳайвон ва паррандалардан қуён, саъва, каклик, каптар, Африка ва япон товуғи, ҳовузчада балиқлар бор. Асосий хизматни бажарган фарзандларимиз — Валиназар, Баҳром, Равшанбек ва Баҳромбеклар бугун ҳам навбати билан жониворлар парвариши билан машғул.

Боғча ва майдончага кириш ҳақи — битта салом. Уйида саломлашмайдиган, муомалани билмайдиган болаларга шу ҳам сабоқ.

Уз фарзандларига биз каби совга қилиш истагида булганларга кун сайин купаяётган жониворлардан текинга беришимиз мумкин.

Биздан намуна олиб, руҳланган қушнилар ҳам маҳалла фаоли Фотиҳ Шукуржонов раҳбарлигида Мустақиллик байрамигача Оналар ва болалар йилига атаб кексаларимиз, оналаримиз ва аёлларимиз учун чойхона, дам оладиган кукаламзор майдон бунёд этиш ишларини бошлаб юборишган.

P.S. Абдулла ака Узбекистон касаба уюшмалари федерацияси қошидаги курортлар бошқармасида хизмат қилар экан. Узининг масъулиятли вазифасидан имкон топиб, вақт ажратиб маҳалла фарзандларини уйлаб, шу эзгу ишларни амалга оширган кишидан болалар ва ота-оналар жуда миннатдор. Бугун бу маскан ёзги таътилга чиққан болажонлар билан эртадан кечгача гавжум. Болалар узига хос шароитда шахмат, шашка, бильярд каби спорт машғулотлари билан машғул. Бу каби эзгу мақсадли кишиларни кўриб, уларнинг амалларини кузатиб кунглингиздан уйлар кечади: Қанийди, Абдулла акадай кунглида фарзандларга меҳр-муҳаббати бор кишилар купайса, шу ишларни бошқалар ҳам амалга оширса!

Воҳид БОЙМУРОДОВ

Xullas...

МАҚОМГА СОЛИНГАН ГЎЗАЛЛИК

Кейинги 20 йил мобайнида Венесуэла деган машҳур шаҳарнинг аёллари 10 дан ортиқ халқаро гузаллар танловининг ғолиблари бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар бор. Энг сўнгги "Дунё гузали" танловида иштирок қилган 18 малакнинг 4 нафари ана шу мамлакатдан.

Венесуэлада ҳаттоки қизлар ва аёлларни гузаллар танловига иштирок этиш учун тайёрлайдиган тармоқ мактаблари бор. У ерда куннинг асосий қисми Оллоҳ ато этган гузалликни ҳар мақомга солиш билан ўтади. Спорт билан шуғулланиш, энг мураккаб ва қийин саволларга жавоб излаш. Энг чидаб бўлмас ҳолат эса баъзан пластик операцияларнинг ҳам қилинишидир.

Ихтисослашган мактаб хотин-қизларни камида ярим йил, яъни 6 ой узининг синовларида тоблайди. Бунинг учун улар 60 минг долларни марҳамат қилиб тулаб қуйишлари керак булади.

Гузаллар мактабига Бразилиядан, Боливиядан, Колумбиядан ҳам мижоз лар келиб, таълим олишмоқда.

ҒОЗНИНГ ЖАҲЛИГА ТЕГМА

Қозон медицина университети юқумли касалликлар кафедраси ўқитувчилари Балитасин туман шифохонасига келтирилган кекса аёлнинг оғир аҳволдан чиқиб кетишига ёрдам курсатди.

Маълум булишича, кампир уз боқувидаги ғоз билан ҳазиллашмоқчи булиб, уни таёқ билан туртган. Шунда ғоз бундан "оғрингандек" унинг қулини чўқиди. Кампир узича даволаниб, икки кунни ўтказди. Қарасаки, аҳвол чатоқ, узини беҳол сезяпти.

Шифокорларнинг таъкидлашича, бундай ҳодиса ҳали табобатда учрамаган эди. Тупроқ таркибида буладиган қоқшол касаллиги ғоз тумшуғи орқали кампирнинг танасига ўтган. Шукрки, бемор узига келтирилди. Кафедра шифокорларининг маслаҳати: шахсий ҳовлингизда бўлса ҳам уй ҳайвонларининг жигига тегманг!

КИМГАДИР ЁҚАР ЛОЛА...

Ишдан сўнг ҳориб қайтган киши уйига келиб, телевизор қўяди ёки радио тинглайди. Кимдир концертга ёки кинога тушади. Қисқаси, ҳар ким узига ёққан ошни ичади; кимгадир ёқар лола, ким атиргул шайдоси...

Бу фикр Таллин барларидан бирида ҳам очиқдан-очиқ кузатилди. Мижозларга уз қушигини куйлаб бераётган хонанда тазйиққа учради: кайфи ошиб қолган хурандага унинг қушиги ёқмаган, чунтагидан пистолет шаклидаги зажигалкани чиқариб, хонандага итқитди ва концертни тухтатишини талаб қилиб бақирди.

Бўлди томоша! Шуниси ҳам борки, қушиқ бу ерда утирганларнинг купчилигига ёқди ва улар ижрочини қатъий туриб, ҳимоя қилдилар.

Жанжал газак олиб, полиция етиб келди. Ким ҳақ, ким ноҳақ ажрим полициядан. Хонандани ҳақорат қилган нусха тўла маънода ноҳақ. Аммо қайсидир жиҳатдан уни ҳам оқлаш мумкиндир.

Бу ёғи полиция ҳукмига ҳавола!

ana shunaqa gaplar...

1-Тошкент педагогика билим юрти томонидан 1999 йилда Муталиева Раъно Иркиновна номига берилган 269804 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб жамоаси шу мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси Абдужаббор Набиевга онаси **Санобар НУРМУҲАМЕДОВА** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Sport maydonchasi

РАҚИБЛАРИМИЗ АНИҚ

ЖЧ-2002 учрашувлари иккинчи босқичида Осиё қитъаси жамоалари икки гуруҳга бўлинди. Ўзбекистон "В" гуруҳда Хитой, БАА, Қатар ва Оман терма жамоаларига қарши майдонга тушади.

ФИФА СУДГА БЕРИЛАДИМИ?

Клублар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионатининг ўтказилмаслиги ҳақидаги ФИФА қарори катта шов-шувга сабаб бўлганидан хабардорсиз. Кейинги кунларда Европадаги айрим клублар жамоасафига кучли футболчиларни жалб этишга сарфлаб қўйган катта миқдордаги маблағларини ФИФА дан ундириб олиш ниятида судлашмоқчи.

ПРИЗ 50000 ДОЛЛАР

Москвада ўтаётган Париж кунлари дастурида от спорти бўйича мусобақалар ҳам киритилган. Чавандозлар Франция кубоги учун кечадиган кураш-ларда жуфт-жуфт бўлиб мусобақалашади. Умумий миқдори 50000 доллар бўлган ютуқ баҳ-слари марказий отчопарда ўтади.

"ЮНУСОБОД"ДА ПРОФЕССИОНАЛЛАР

Шу йил 9 июнь куни "Юнусобод" спорт мажмуида профессионал боксчилар ўртасида 7 та учрашув ўтказилади. Ўзбекистонлик Фарҳод Бакиров ва индонезиялик Давид Касвара ўртасидаги учрашувни энг қизғин баҳс бўлади дейиш мумкин. Сабаб, ғолиб РАВА чемпиони бўлади.

ИШҚИБОЗЛАР ОРТМОҚДА

Учинчи йилдирки, дунё футболи ишқибозлари сони ортиб бормоқда. Кейинги йилларда расмий учрашувларга ташриф буюрувчи мухлислар бир неча миллионга ортди. Ҳозирда Европа ўйингоҳлари матч пайтида 75-82 фоиз, Африкада 40 фоиз, Осиёда 30 фоиз банд бўлар экан.

ҲАЖВИЯЛАР

ХУШМУОМАЛАЛИК БЎЙИЧА САБОҚ

Машҳур инглиз ёзувчиси, "Гулливернинг саёҳатлари" китобининг муаллифи Жонатан Свифт унчалик мурувватли эмасди. У узига совғасалом юбориб турадиган кишиларнинг хизматларига деярли ҳеч нарса бермасди. Лекин бир гал у қуён, каклик ва бошқа қуш гўштлари олиб келиб турадиган боладан сабоқ олди.

Бир куни бола балиқ ва мевалар солинган оғир саватни кутариб келиб қолди. У эшикни тақиллатиб, узи очди-да, хонага туппа-тўғри кириб келди. "Мана, — деди бола заҳархандалик билан,— ҳужайиним сизга манави лиммо-лим саватни бериб юборди".

Боланинг қўпол муомаласидан норози бўлган Свифт унга деди:

— Қани, бериброқ кел-чи, болакай, ҳозир мен сенга бирор нарса олиб келганда, бундан кўра мулойимроқ оҳангда топширишни ургаташ. Ҳўш, фараз қилгинки, сен Жонатан Свифтсан, мен эса сенинг ўрнингда бўламан.

У шундай деб одоб билан бошидан шляпасини олди-да, узи болага мурожаат қилди:

— Сэр, менинг ҳужайиним сизга манави арзимас совғани бериб юборди ва уни лутфан қабул қилишингизни сўради.

— О, жуда соз, болакай, — деди унга жавобан бола, — ҳужайинингга айтиб қўй, мен ундан бағоят миннатдорман, манави ярим крона бўлса, сенга.

Свифт бу гапдан самимий кулди-да, боланинг зукколиги учун унга бир крона тортиқ қилди.

ҚИРОЛ ВА ТАНҚИДЧИ

Қирол ҳикоялар ёзишга ишқибоз эди ва узи уларни жуда яхши ёзилган, деб ҳисобларди. Қиролнинг ҳикояларини ўқиб кўрган кишилар уларни танқид қилишга жўръат қилишмас, аксинча муваффақиятли чиққан, деб мақташарди.

Кунларнинг бирида у бир нечта ҳикоясини машҳур бир танқидчига кўрсатди, лекин улар танқидчига мақбул бўлмади. Бундан дарғазаб бўлган қирол уни зиндонга ташлашни буюрди.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, қирол танқидчининг гуноҳидан ўтди ва уни ўз саройига тушки овқатга таклиф қилди. Қирол унга яна янги ҳикояларини кўрсатди ва машқлари ҳақида унинг қандай фикрда эканлигини тағин бир бор сўради.

Танқидчи орқасида турган соқчиларга ўгирилиб, деди: "Мени зиндонга қайтаринглар".

Инглизчадан Феруза НУРИДДИНОВА таржимаси

Ko'ngil bitiklari

ОНАЖОНИМ

Онажоним, офтобим,
Тунда тўлин моҳтобим.
Хушнудловчи дилимни,
Қанду асал, гулбоғим.

Оппоғим, деб ардоқлаб,
Тойчоғим, деб зап шайлаб.
Минг ўргилиб тўймайсиз,
Юзларимга босиб лаб.

Болалигим шод-хандон,
Бағрингизда яйрайман.
Шаънингизни мадҳ этиб,
Булбул бўлиб сайрайман.

Ҳур ва озод Ватаним,
Келажаги бахтиман.
Элу халқим суюги,
Салтанати, тахтиман.

Онажоним, осмоним,
Кўкси қалқон, посбоним.
Меҳри чексиз уммондек,
Баҳор, боғу бўстоним.

ЛОЛА

Тонгда юз очиб лола,
Мушк анбарин таратди.
Оро бериб ўзига,
Олам аҳлин қаратди.

Еллар елар парвона,
Сумбул сочин силай деб,
Яноғини ёндириб,
Бир бор бўса олай деб.

Минг айланиб ўргилар,
Капалаклар саломлаб.
Йўлларига сув сепиб,
Бари қолар кўз намлаб.

Қиё боқмас бирига,
Қулфи дилин очмайди.
Андалибдан ўзгача,
Меҳр нурин сочмайди.

Садоқатни соз чалиб,
Олқишлайди муҳаббат.
Садоқатли Санамга,
Кулиб боқар иқбол, бахт.

Фахриддин ЭРНАЗАРОВ,
Нурота туманидаги 20-ўрта мактаб ўқитувчиси

ҚИЗГИНА

Кўзларингда севги яширин,
Хаёлларинг асалдай ширин.
Билгандайин дунёнинг сирин,
Сирга тўла сирли қизгина.

Мўъжизасан — самовий малак,
Ойдан нусха олган оқ билак.
Сенда умид, сендадир тилак,
Пок тилакли сулув қизгина.

Сен настарин, таърифи йўқ гул,
Сарвиқомат, сочлари сумбул.
Сенга шайдо қанчалар кўнгил—
Кўнгил кўзи ёпроқ қизгина.

Машрабни лол қилган яноғинг,
Завқийга завқ берган қабоғинг.
Бунча ширин тотли дудоғинг,
Дудоғида ҳаё қизгина.

Сен Нодира, Дилшоди Барно,
Сен Қодирий мақтаган Раъно.
Қўлларингда ол рангли хино,
Юзи хино мисол қизгина.

Қошлари-чи, денгиз қундузи,
Кўзларида умид юлдузи.
Дилга малҳам ҳар ширин сўзи,
Жаннатларга тимсол қизгина.

ОТА МЕҲРИ

Отажон, сиз каби устозман бу кун,
Қалбларга бермоқ-чун тароват,
зиё.
Бахтимни ҳар недан қўйсам-да
устун,
Отанинг меҳрисиз бир камдир
дунё.

Дўстлар даврасида тилларим
бийрон,
Бахтлига ўхшайман фарзандим
қучсам.
Баъзи туйғуларга чизибман армон,
Меҳрингизнинг тафти тоғ экан
билсам.

Санобар ҚАЮМОВА,
Дўстлик туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2517. Тиражи 26.348.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.